



ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖОБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ахмедов Баходир Бахриддинович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523802>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 06th June 2024

KEYWORDS

Ярашув институти, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жиноят ишларини юритиш, суриштирувчи, терговчи, суд.

ABSTRACT

ушбу мақолада ярашув институтини қўллашнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи назардан ҳамда айрим тушунчалар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан жиноятларни юритишда ярашув институтини қўллашнинг айрим фикр ва мулоҳазалар, ижобий жиҳатлари илгари сурилган. Ярашув институтини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини оширишдан иборатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида мақсад қилиб белгиланди [1].

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, юртбошимиз табири билан айтганда фуқароларни давлатдан рози бўлиб яшашлигига керакли шарт-шароитлар яратиш бугунги кундаги ҳар бир давлат органларининг кундалик асосий вазифаси ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислохотларнинг энг самаралиси дея Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги Қонунига кўра, Жиноят кодексига “Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш” деб номланган янги 66¹-модда ҳамда Жиноят-процессуал кодексига “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” деб номланган 583-586-моддаларни ўзида қамраб олган 62-боби киритилганлигини айтишимиз мумкин.

Дастлаб, Жиноят кодексининг 26 та моддасида назарда тутилган 32 та жиноят таркиблари бўйича ярашувни қўллаш имконияти яратилган бўлса, кейинчалик қонунчилик ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар орқали мазкур институт такомиллаштирилиб, бунинг натижасида ярашув институтининг таъсир доираси янада кенгайтирилиб, бугунги кунда 46 та жиноий қилмишлар бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти яратилди.

Жиноят кодексининг 66¹-моддасига кўра, ушбу моддада кўрсатиб ўтилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Мазкур ярашув институти қонунчилигимизга киритилгунга қадар, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларида жиноят содир этган шахс қилган ишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини маълум қилиб, содир этган жинояти юзасидан етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашиб олиб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўрасада, унга ярашув қўллашнинг имкони бўлмаган. Фақатгина жиноят иши юзасидан айблов хулосаси тузилаётган ёки ҳукм чиқариш жараёнида унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида кўрсатилган жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олинган.

Бундан ташқари, ишни судда кўриб чиқиш босқичида суд томонидан судланувчига Жиноят кодексида белгиланган жазодан камроқ жазо тайинлаб ҳукм чиқариши ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида кўрсатилган тегишли асосларга кўра, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиши мумкин бўлган.

Ярашув институтини суд-тергов амалиётида, фуқароларимиз ўртасида тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари бўйича бир қанча олимлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Жумладан, У.Таджиханов фикрига кўра, “Томонлар ярашуви янги ҳуқуқий ҳодиса бўлишига қарамай, чуқур тарихий илдизга эга, ўзаро бағрикенглик (сабр-тоқатлилиқ) ва фуқароларнинг бир-бирларини кечири олиш хусусияти миллий маданиятимизга доимо хос бўлган, ўйлаймизки, бу институт катта истиқболга эга”[2].

Х.Т.Одилқориев ва И.Т.Тулъетеевларнинг фикрлари ҳам юқоридаги фикрга ҳамоҳанг бўлиб, ярашув институти “доимо бизнинг миллий маданиятимизга ва менталитетимизга хос бўлган”[3] деб таъкидлаган.

Б.Жамолов эса ярашув институти бўйича қуйидаги яъни, “Халқимизнинг менталитетига мос бўлган ярашув институтининг қонунчилигимизга киритилиши нафақат ҳуқуқшунослар, жамоатчилигимиз томонидан ҳам мамнуният билан қабул қилинди. Мазкур институт, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан судланган деган “тамға”ни қўллаш доирасини жиддий равишда қисқартириш имконини берди.” [4] деган фикрларни илгари сурган.

Юқоридаги олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ярашув институтини жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилиши, авваламбор, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя

қилишга, тарафларнинг ўртасидаги низоларни бартараф этишга ва бу орқали келгусида жиноят содир этилишини олдини олишга хизмат қиладиган энг мақбул институт десак муболаға бўлмайди. Чунки, бу институтни томонларнинг манфаатларини таъминлайди, яъни бир томон (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар)ни бузилган ҳуқуқлари тикланиб, етказилган зарари бартараф этилса, иккинчи томон (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи)ни жиноий жавобгарликдан озод этилишидир.

Хулоса қилиб айтганимизда, суд-тергов амалиётида ярашув институтини қўллаш орқали:

биринчидан, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тикланишига ҳамда етказилган зарарни қопланишига эришилади;

иккинчидан, жиноят содир этган шахсни айбига иқдорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги ҳамда етказилган зарарни бартараф этганлиги ҳисобга олиниб, жиноий жавобгарликдан озод қилинади, яъни “судланган” деган тамғадан холос этади;

учинчидан, томонлар ўртасидаги низоларни бартараф этишга хизмат қилади, келгусида улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олди олинади ҳамда ёш авлодни қонунларга ҳурмат қилиш руҳида тарбияланишига замин яратади;

тўртинчидан, республикада судланганлик ҳолатини камайишига эришилади;

бешинчидан, процесс иштирокчиларининг жиноят ишларини юритишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлатга бўлган ишончини янада оширади;

олтинчидан, процесс иштирокчиларини ортиқча сарсонгарчилигини ва шу билан бирга тергов ва суд давомида ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинади;

еттинчидан, жиноят ишларини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларини иш юритувини осонлаштириб, тезкорликда қонуний ҳал этилишини таъминлайди;

Ярашув институтини қўллаш бўйича ўзининг ижобий тарафлари билан биргаликда уни қўллаш орқали келиб чиқадиган салбий омиллари ҳам мавжуд. Ярашув институтини қўллашнинг энг асосий шартларидан бири бу жиноят содир этган шахс томонидан жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопланишидир. Ишни судга қадар юритиш босқичида айрим ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га етказилган зарар келгусида қоплаб берилишини ваъда қилиб, ундан гўёки зарарни қоплаб берганлиги бўйича тилхат олишликка эришилади. Бунинг натижасида улар суд босқичида ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, кейинчалик жабрланувчиларга берган ваъдасини устидан чиқмасдан етказилган зарарни қопламай келаётганлиги сабабли жабрланувчилар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳолатлари кузатилади.

Б.Б.Мурадовнинг фикрича, ярашув туфайли жавобгарликдан озод бўлган шахснинг ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги туфайли маълум бир муддат ўтиб, қайта жавобгарликка тортилиши мақсадга мувофиқ эмас. Айбланувчи ўзига юклатилган мажбуриятини бажармаса ёки бажаришдан бўйин товласа, жабрланувчи суднинг ярашув бўйича чиқарган ажримини асос қилган ҳолда даъво

аризаси билан фуқаролик судига мурожаат этиб, айбланувчи тўлаши лозим бўлган қийматдаги пулни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим [5].

Жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ярашув институтини қўллашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади, шундай бўлсада суриштирувчи ва терговчи жиноят иши юзасидан моддий зарарни тўлиқ қопланганлигига ишонч ҳосил қилиб, сўнг ярашув институтини қўлласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, ишни юритиш пайтида жабрланувчи томонидан етказилган зарардан воз кечиш ҳолатлари учраши мумкин. Лекин суриштирувчи ва терговчи томонидан мазкур ҳолатлар инobatга олинмасдан ярашув институтини қўлламаслик ҳолатлари кузатилади, яъни жиноят иши умумий тартибда кўриб чиқишлик учун туман прокуратураси орқали жиноят ишлари бўйича судга юборилади. Ваҳоланки, 2002 йил 25 октябрь кундаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорида жабрланувчи ўзига етказилган зарардан воз кечиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бундан келиб чиқиб, ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган жиноят ишларини тергов қилиш пайтида жабрланувчи гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган зарардан воз кечганлиги ҳолати юзасидан ярашув институтини қўллашликка тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

Фикримизча, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчилар томонидан жабрланувчилар ёки уларнинг қонуний вакиллари келгусида етказилган зарарни қоплаб беришлари бўйича ваъда бериб, алдов йўллари орқали жиноят иши бўйича ярашувга эришиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида ишни судга қадар юритиш босқичида ҳамда суд босқичида ярашув институтини қўлланилиши мумкин бўлган жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи, (айбланувчи, судланувчи)нинг жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш истагини билдирган вақтида, уларга ЖПКда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ярашув институтини мазмун-моҳиятини тушунтириб, зарарни қоплаш жараёнларини видеотасвирга олган ҳолда суриштирувчи ва терговчилар томонидан зарарни қоплаш баённомасига, суд эса суд мажлис баённомасига расмийлаштириши лозим бўлади. Шу орқали жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг етказилган зарарни бартараф этилганлигига ва суд босқичида процесс иштирокчиларининг ушбу масалада фикрлари ўзгариб қолмаслигига ишончи ҳосил бўлади. Бу билан эса мансабдор шахс қабул қилган ярашув қарори келгусида суд томонидан бекор бўлмаслигига замин яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур ҳолатлар жиноят-процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур таклиф келгусида давлат ва жамият манфаатлари учун хизмат қилади. Ўз навбатида жабрланувчи ва унинг қонуний вакиллари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланилишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (мурожаат қилинган вақт: 02.10.2023).

2. Таджиханов У. Шахс манфаатлари – жиноятчиликка карши кураш сиёсатини янада эркинлаштириш асоси//Халк сўзи, 2002, 8 январ.
3. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар// Ҳуқуқ-Право-Law, 2002, №1 .-С.9.
4. Қаранг: Жамолов Б. Суд ҳокимияти ва уни амалга оширишнинг самарадорлиги// Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси, 2002, № 3-4, -Б.62.
5. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт. Монография. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. Б.115,

